

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ.

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ: ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА

KONSITUTSIYA

ЁНДАШУВ

ТДИУ профессори Б. Алиев

KI

Халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аввалги таҳрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлмиш парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари томонидан қабул қилинганини биламиз. Бундан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз Асосий Қонунининг янги таҳрири бевосита умумхалқ референдумида — тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Шу маънода, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзидир. Фуқароларнинг хоҳиш-иродаси эса ислохотларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади¹.

Бугунги ривожланиб бораётган даврда ҳар бир мамлакатнинг асосий мақсад ҳамда вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик давлатни барпо этишдир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда конституция асосий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилган конституциявий ислохотларнинг ҳам асосий ғояси инсон қадрини улуғлаш, унинг асосий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Эътиборли жиҳати шундаки, конституциявий ислохотларда асосий куч бу халқ эканлигидир. Яъни Ўзбекистон Республикасининг янги конституциясида мустаҳкамланган нормалар бевосита халқнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилганлиги бир жиҳат бўлса, халқнинг хоҳиш иродаси билан референдум орқали қабул қилинганлиги яна бир муҳим жиҳат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш киритишга доир таклифлар ичида 41-моддани ўзгартириш бўйича билдирилган таклифлар ижобий ечим топиши амалда конституциямизнинг миллий қиёфасини белгилаб беради. Боиси ушбу таклифларга эътибор қаратадиган бўлсак, “педагог ходимларнинг мақомини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг мақсади ҳам масъулиятли вазифасидир. Педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашишга, шунингдек, уларнинг хизмат

¹ 2023 йил 8 май “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмайди”². Бу мамлакатимизнинг қисқа тарихида юз берган салбий ҳолатлар ҳамда ушбу ҳолатларнинг халқимизнинг миллий менталитетига зид бўлганлиги сабабли кўпчилик фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганлиги билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради. Халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган нақл бор ва устозларни ҳурмат қилиш миллий характеримизнинг ажралмас қисмидир. Афсуски, 2017 йилгача ўқитувчилар, ҳатто мактаб ўқувчиларининг ҳам пахта теримига мажбурланиши, бу даврда машғулотлар четга суриб қўйилиши, бу ҳам етмагандек, айрим раҳбарларнинг ўз ваколатларидан четга чиқиб, таълим муассасалари ўқитувчиларини ободонлаштириш, ҳатто қурилиш ишларига мажбурланиши, 2021 йилда ижтимоий тармоқларда тарқалиб, халқимизнинг қаттиқ эътирозига сабаб бўлган мактаб ўқитувчиларининг “узр сўраттириш” маросимлари яқин ўтмишимизнинг қора доғлари бўлиб, бу охир-оқибат таълим тизимига путур етказди.

Буни тўғри англаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, президентлик муддатининг биринчи кунлариданоқ таълимни ислоҳ қилишни, биринчи навбатда ўқитувчиларнинг обрў-эътиборини оширишдан бошлаш лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Янгиланган конституциянинг 41-моддасини юқоридаги нормалар билан бойитиши ҳақидаги таклифлари ҳам, ўша кейинги 5-6 йил давомида амалга ошириб келинаётган ижобий ишларнинг навбатдаги босқичи бўлди, деб ўйлайман.

Ушбу моддага киритилаётган янги нормалардан яна бири – истеъдодли ёшларнинг моддий аҳволидан қатъи назар таълим олишларини давом эттиришларини давлат ўз зиммасига олаётганлигидир. Маълумки, янги конституцияда концептуал ўзгариш ясаётган нормалардан бири – мамлакатимизни “ижтимоий давлат” деб эълон қилинаётганидир. Ижтимоий давлатнинг асосий белгиларидан бири жамиятда ижтимоий адолат ва ижтимоий тенгликнинг таъминланганлигидир. Шунга кўра, 41-моддага киритиш таклиф этилаётган юқоридаги норма давлат истеъдодли ёшларни кенг, жумладан моддий аҳволидан ҳам қатъи назар, қўллаб-қувватлашини назарда тутди.

Кейинги вақтларда мамлакатимизда бу борада қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистонда кенг ўтказилаётган “Ёш китобхон” ва “Заковат” танловлари, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси ҳамда иқтидорли ёшларнинг хорижий нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Эл-юрт умиди” жамғармалари фаолиятининг давлат томонидан кенг қўллаб-

² <https://kun.uz/news/2022/07/01/yangi-tahrirdagi-konstitutsiya-talimga-yondashuvni-ozgartirish-vaqti-keldi>.

кувватланаётгани шулар жумласидандир. Хусусан, иқтидорли ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари ва халқаро сертификатларга эга бўлишларини рағбатлантириш учун ушбу сертификатга эга бўлган ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилмоқда. 2021 йил 1 майдан 5 турдаги, 2022 йил 1 январдан 13 турдаги (жами 18 турдаги) халқаро имтиҳон тизимларида юқори натижага эришган ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилмоқда. Бугунга қадар мазкур тизим орқали 5441 нафар ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилди ва бу қарийб 10 млрд сўмни ташкил қилмоқда³.

Ушбу нормаларнинг конституцияга киритилиши кўпчиликни қизиқтираётган яна бир муаммога ҳам ижобий ечим бўлиб, ўз ҳиссасини кўшади. Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда мулкчилик шакли турлича бўлган олий таълим муассасалари кўпайиб бормоқда. Айрим хусусий таълим муассасалари таълим бериш сифатига кўра мамлакатимизнинг отахон университетларини ҳам ортда қолдира бошлади. Истеъдодли ёшларнинг ушбу муассасаларда таҳсил олишлари эса, улардаги истеъдоднинг янада сайқалланишига олиб келади. Янги конституцияга киритиш таклиф этилаётган давлатнинг ижтимоий эканлиги (1), истеъдодли ёшларнинг моддий аҳволидан қатъи назар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши (2) ҳамда 41-моддада таклиф этилаётган яна бир норма – мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги таълим муассасалари ривожланиши учун давлат тенг шароитлар яратиб бериши тўғрисидаги (3) нормаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, янгиланган Конституция истеъдодли ёшларни энг яхши таълим муассасаларида, у хоҳ хусусий бўлсин, хоҳ давлатники, таълимни давом эттиришлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Яқин-яқингача болалар меҳнати жамиятимиз учун бегона тушунча эмас эди. Аммо, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар сабаб юртимизда болалар меҳнатига чек қўйилди. Меҳнатга оид халқаро ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилигимизда болалар меҳнатининг оғир шакллари ёки уларнинг мажбурий меҳнати қатъий тақиқланди. Натижада 2019 йилнинг 1 апрель куни Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботида Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон пахта саноатида болалар ва мажбурий меҳнатдан тизимли фойдаланишга барҳам берилгани эълон қилинди.

Бундай ўзгариш мамлакатимиз ёшлари учун кўплаб имкониятлар эшигини очди, десак, муболаға бўлмайди. Ушбу салбий ҳолатлар қайта учрамаслигини таъминлаш, ёшларимиз ҳар доим ўз иқтидорларини намоиш этиш учун таълим ва тарбия олишини келажакда ҳам мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида қонунчилигимиздаги болалар ҳуқуқлари борасидаги

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши.

Ўзгартиришлар янгиланаётган Конституцияда ҳам қатъий белгилаб кўйилмоқда. Хусусан, 44-моддада болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади, дея белгиланмоқда. Янги таҳрирдаги Конституциямизга киритилаётган мазкур норма болалар меҳнатининг оғир шаклларида ҳамоя қилиш, уларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишишлари учун муҳим ҳуқуқий кафолатдир.

Шунингдек, 50-моддада таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланмоқда. Унга кўра, соғлиғида нуқсони бўлган болалар фақатгина ихтисослашган мактабларда эмас, ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқиши йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон қадрини таъминлашнинг амалий ифодасидир. Албатта, ёшларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида узлуксиз таълим тизими муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, янгиланаётган Конституциямизда ҳам ёшларимизнинг олий таълимга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, барча ёшларга олий таълим олиш имконияти яратиб берилмоқда⁴. Хусусан, 51-моддада фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли эканлиги норма сифатида киритилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад иқтидорли ёшлар учун давлат гранти асосида бакалаврият ва магистратура босқичида таълим олиш орқали ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини кенгайтиришдир.

Мазкур конституциявий қонданинг белгиланиши бу борадаги ижобий йўналиш доимо сақлаб қолинишини, давлат олий таълим муассасаларида грант ўринлари йўқолмаслигини кафолатлайди. Шу билан бирга, давлат ҳисобидан ажратиладиган бепул олий таълим олиш кафолатини танлов асосида, кенг рақобат шароитларини яратган ҳолда муносиб бўлган номзодларгина қўлга киритиши учун замин яратади. Иқтидорли ёшларнинг бепул олий маълумот олиши эса мамлакатимиз келажагини белгилашда муҳим куч бўлган юқори малакали ва рақобатбардош кадрларни етиштиришга хизмат қилади⁵.

Мухтасар айтганда, буни тўғри англаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, президентлик муддатининг биринчи кунлариданоқ таълимни ислоҳ қилишни, биринчи навбатда ўқитувчиларнинг обрў-эътиборини оширишдан бошлаш лозимлигини таъкидлаб келмоқда, бугун Конституциямизнинг янги нормаларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2023 й.

⁵ https://constitution.uz/uz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat.

ривожланишини таъминлашга қаратилганини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Янги таҳрирдаги Асосий Қонуннинг қабул қилиниши билан бу борада янада мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асос яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2023 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 16 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши.

3. https://constitution.uz/uz/pages/Konstitutsiya_mustahkam_kafolat.

4. 2023 йил 8 май “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

5. <https://kun.uz/news/2022/07/01/yangi-tahrirdagi-konstitutsiya-talimga-yondashuvni-ozgartirish-vaqti-keldi>.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯДА ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР (ЎКИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ)

Мухтаров Азамат

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши тарихи, унда инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва демократик тамойиллар қисқача баён этилган. Бу борада таъкидлаш жоизки Конституциянинг яратилиши борасида умум жаҳон эътироф этган тамойиллардан намуналар келтирилган. Шу билан бирга Ўрта Осиё мутафаккирлари фикрларидан мисоллар келтирилган бўлиб Конституцияда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ёритилиб, мисоллар билан изоҳланган ҳамда якунида хулоса қилинган.

Ҳар бир давлат тараққиётида конституциянинг яратилиши, унинг устуворлигининг қатъий таъминланиши ҳамда демократия талабларидан келиб чиқиб уни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бунга бугунги дунёнинг ривожланган давлатлари конституциявий тажрибаси яққол мисол бўла олади.

Асосий Қомусимиз яратилиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг мураккаб ва муҳим, айтиш чоғда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч